



1918-yil
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№38, 2021-yil 22-sentyabr,
chorshanba (32.680)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi

O'zbekiston ovozi

САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИДАН

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ:

ЎзХДП Сурхондарё вилоят ҳамда Музработ туман кенгашлари томонидан "Аҳоли билан мулоқот: муаммо, ечим ва самара" мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилди. Унда электоратни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш нафақат ижро ҳокимияти, балки депутатлар ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлар, жумладан, сиёсий партияларнинг ҳам муҳим вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Очиқ мулоқотда халқ депутатлари Музработ туман Кенгаши депутати, 47-мактаб директори Турсункул Тангиоров "Янгиер", "Меҳнатобод", "Орият", "Меҳригёе" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида олиб борилаётган ободонлаштириш, инфратузилмани яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг сайловчилар ўзларини қийнаётган муаммолар юзасидан мурожаат қилишди ва уларнинг 14 таси жойида ҳал этилди. Қолганлари назоратга олинди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:

Жиззах шаҳридаги "Қалия" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 12-умумтаълим ўрта мактабининг биноси ачинарли ҳолатга келиб қолган, таъмирлаш ишлари турли сабаблар билан анча йиллардан буён пайсалга солиб келинаётган эди.

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Бахтиёр Тошпўлатов билим даргоҳининг таъмирлаш ишларини ўз зиммасига олди. Партиядошимизнинг саъй-ҳаракати натижасида мактаб таъмирлаб берилди. Бу мазкур илм даргоҳи жамоаси ва ўқувчиларига янги ўқув йилига муносиб совға бўлди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ:

Бухоро давлат университетида ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши "Менинг биринчи сайловим" деб номланган давра суҳбати ташкил этди. Унда университет профессор-ўқитувчилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ва сайловда илк бор қатнашадиган талабалар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар сайлов кодекси, қонунчиликдаги ўзгаришлар, сайлов ўтказишнинг асосий тамойиллари, сайлов ҳуқуқи ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди. Тадбир давомида Президентликка номзод Мақсуда Ворисованинг ҳаёти ва фаолияти акс этган видеоролик намойиш этилди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:

Самарқанд давлат чет тиллар институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгашининг шахмат, шашка, теннис бўйича кубоги бўйича беллашувлар ўтказилди. "Спорт бизни бирлаштиради" шиори остида ташкил этилган тадбирда партия вилоят Кенгаши масъул ходимлари, институт ёшлар иттифоқи етакчилари ва талаба-ёшлар фаол иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар яқинлашиб келаётган муҳим сиёсий воқеалик – Ўзбекистон Президенти сайлови, уларда ёшларнинг иштироки ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Мақсуда Ворисованинг таржimai ҳоли, Сайловолди дастури ҳақида батафсил маълумотлар беришди.



Мақсуда ВОРИСОВА:
«Биз ижтимоий
ҳимоя қилиш
тизими барча
муҳтож
фуқароларни
тўлиқ қамраб
олиши зарур, деб
ҳисоблаймиз».

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 СЕНТЯБРЬ

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлис давомида Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари рўйхатга олинди.

Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТнинг ДИИХБ миссияси раҳбари иштирокидаги учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувдан сўнг Марказий сайлов комиссияси раиси бюро кузатувчиларига МСКнинг янги биноси ва кўчма сайлов участкасининг намунасини кўрсатди.

16 СЕНТЯБРЬ

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Б.Қўчқоровнинг Европа парламентидаги "Европа Иттифоқи - Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи Бош қотиби И.Текдемир билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда сайловга тайёргарлик кўриш борасида олиб борилаётган ишлар, хусусан, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, сайлов кампаниясини молиялаштириш, сайлов жараёнида замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш, Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари фаолияти, чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкалари каби масалалар ҳақида сўз юритилди.

17 СЕНТЯБРЬ

Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида навбатдаги пресс-конференция бўлиб ўтди. Унда сайловолди ташвиқоти, бу борадаги қонунчилик, уни олиб бориш усулларида фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари тартиби белгиланди.

Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясида ташкил этилган Ахборот марказида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Учрашув давомида Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси ўз сўзида сайлов комиссияларининг юқори даражадаги тайёргарлиги, сайлов жараёни иштирокчиларини хабардор этиш бўйича кўрилатган тадбирларга юқори баҳо берди.

18 СЕНТЯБРЬ

Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси, Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамкорлигида "Келажак лидерлари" клуби аъзоларини сайлов қонунчилиги билан таъинлаштириш, уларга Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида батафсил маълумот бериш, ёшларнинг сайлов қонунчилиги бўйича билимларини ошириш мақсадида оффлайн ҳамда ZOOM платформаси орқали семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбирда "Келажак лидерлари" Тошкент шаҳар клуби аъзолари оффлайн шаклида, республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги клуб аъзолари эса онлайн тарзда иштирок этдилар. Семинар-тренингда 700 нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинди.



22-sentabr
№38 (32)

ЖАРАЁН



— Мамлакатимизда БМТнинг Ногиронларга нисбатан умумжаҳон ҳаракатлар дастурини амалга ошириш бўйича зарурий чоралар кўриш керак.

Ўзбекистон ХДП номзодининг Сайловолди дастуридан

ТАРҒИБОТ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ – ДЕМОКРАТИК ЁНДАШУВ, ХАЛҚЧИЛ ТАШАББУС, ТЕНГ ИМКОНИЯТ

САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИДА ҲАР БИР ПАРТИЯ ЎЗ ҲОЯЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРГАН ҲОЛДА УЛАРНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШГА ИНТИЛАДИ. БУНДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА РАҲБАР ХОДИМЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ МУҲИМ. ХЎШ, ПАРТИЯМИЗ УШБУ МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРДИ? САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ КАМПАНИЯСИ “МЕНЮ”СИДА НИМАЛАР БОР? ҚУЙИДА ШУ ҲАҚИДА ТЎХТАЛАМИЗ.

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ – МАДАНИЙ ТАДБИРЛАР МАЖМУИ ЭМАС

Сайловолди жараёнларга қаралса, номзод ўз дастурининг тарғиботига киришар экан, партиялар жамоатчилик суҳбатлари, учрашувлар, оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқлар имкониятидан кенг фойдаланиш асосий масала. Шу маънода, партиямиздан Президентликка кўрсатилган номзод Мақсуда Ворисованинг Сайловолди штабида бугун иш қизган. Хусусан, медиа гуруҳ жараёнга масъулият билан ёндашган, тарғибот тадбирлари,

қизиқарли PR юришлар режалаштирилган.

Номзод ҳақида автобиографик мазмунда видеоролик ва инфографикалар тайёрланди. Жамоат жойларида мақсадли ижтимоий ва сиёсий тарғибот тадбирлари, учрашувлар ва бошқа оммавий тадбирлар амалга ошириш бошланди.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтмоқчимиз. Айрим партиялар мана шундай тарғибот тадбирларини кўнгилочар, ўйин-кулги тадбирларга айлантириб юборишади. Уларда фақат ёшларнинг кийимларидаги, байроқларидаги логотипларидангина сиёсий тадбир эканлигини билишингиз мумкин. Умуман, ҳар ишда меъёр бўлиши керак.

ТАРҒИБОТ КАМПАНИЯМИЗ МУНДАРИЖАСИДАН МИСОЛЛАР

Сайловолди ташвиқотида старт берилгач, партия қатор тарғибот лойиҳаларини амалга оширишга киришди. ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи Малика Рашидованинг маълумотига кўра, бу галги тарғибот жараёнига партия фаоллари ўзгача куч ва руҳият билан киришишган.

“Ўзбекистон ХДП марафони” лойиҳаси асосида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, марказий хиёбон ёки стадионларда ХДП номидан спорт мусобақалари, санъат фестиваллари, халқ ўйинлари ҳамда турли номинацияларни ўз ичига олган беллашувлар ташкил этилади.

Жумладан, Сурхондарёда партиянинг кураш чемпионати, Наманганда футбол мусобақаси, Хоразмда “Лазги” фестивали, Тошкент шаҳрида югуриш мусобақалари ташкил этилади. Ҳар бир марафонда турига ва йўналишига қараб ХДП номидан “Халқ жамоаси” номи остида гуруҳлар ҳамда жамоалар иштирок этади.

Партия шунингдек, номзод ва унинг ишончли вакилларининг ҳар бир маҳалла, қорхона ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш объектларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни бошлаб юборди. Бунда, мулоқотларни номзод вилоят марказларида, ишончли вакиллар эса маҳаллабай кесимда амалга оширади.

ТАРҒИБОТ ВОСИТАЛАРИ – САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИНГ МУҲИМ ҚУРОЛИ

Тарғибот воситаларининг яна бир самарали усулларида бири — бу партия рамзи, номзоднинг фотосурати ҳамда партиянинг сайловдаги бош шиори акс этган ташқи реклама воситаларидан фойдаланиш. Республиканинг барча туман ва шаҳар марказий кўчалари, бозорлар атрофида ҳамда одам гавжум бўладиган ҳудудларга жойлаштирилган баннерлар, биллбордлар, плакатлар одамлар эътиборини тортади, албатта. Фақат бунда ноодатий шакллардан фойдаланиш яхши самара беради.

Юртимиз бўйича автобус ва метро бекаларида, бозорлар ва савдо марказларида, автотураргоҳ ва катта трассаларда, жамоат тарс-портларида партиянинг кўнгиллилар гуруҳлари ва фаоллари ёрдамида тарқатиладиган партия рамзи, номзоднинг фотосурати ҳамда партиянинг сайловдаги бош шиори акс этган материаллардан тортиб “Эшикдан эшиккача” лойиҳаси орқали махсус тайёрланган флаерларни уйма-уй тарқатиш масаласи ҳам эътиборда бўлади.

Партиямиз Сайловолди ташвиқоти давомида қонунда белгиланган барча имкониятлардан самарали фойдаланади ва ғалаба учун бор куч ва имкониятини ишга солади.

Гулруҳ ОДАШБОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ

РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА

ШАРИПОВ Фирдавс Холназарович

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА

ЕШИМБЕТОВ Халилла Бекимбетович

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, партия фракцияси раҳбари

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

НУРМАТОВ Абдулхамид Абдухалумович

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати, партия гуруҳи раҳбари

БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

ТУЙЕВА Зулфия Назимовна

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутати, партия гуруҳи раҳбари

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

ХОЛМАТОВ Нуриддин Ибадуллаевич

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Шароф Рашидов туман Кенгаши депутати, партия гуруҳи раҳбари

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

НУРУЛЛАЕВ Мақсуд Шарофович

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати, партия гуруҳи раҳбари

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

АТАБАЕВ Илхом Абдусаматович

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

НАСРИЕВ Бадриддин Насриевич

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

МАМАДЦОЕВ Шерали Турдимуротович

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши раиси

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

ПАРДАЕВ Алишер Очилович

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

УМАРАЛИЕВ Акмалжон Акбаралиевич

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раиси

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

ЗОХИДОВ Зокиржон Тўхтасинович

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати, партия гуруҳи раҳбари

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

ЮСУПОВ Раҳимберган Кадиорович

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, партия гуруҳи раҳбари

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

РАВШАНОВ Олим Поёнович

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, партия гуруҳи раҳбари

ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЙИЧА

ЭШМЕТОВА Нигора Асомидиновна

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, партия гуруҳи раҳбари

ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИЯСИ—
ТАРАҚҚИЁТ
АСОСИ!



— Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги ўқувчи, тарбияланувчиларни сифатли ҳамда соғлом озиқ-овқат билан кафолатли таъминлаш зарур.

Ўзбекистон ХДП номзодининг Сайловолди дастуридан

22-sentyabr, chorshanba, 2021-yil.
№38 (23680)

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка кўрсатилган номзод ўз дастури ва ундаги ғоялар ҳақида эълон қилди. Бу борада турли қарашлар, фикр-мулоҳазалар, ҳаттоки, эътирозлар ҳам юзага келгани рост. Бироқ, жамиятда тенгликни таъминлаш, адолатли сиёсат олиб бориш билан боғлиқ йўллар ҳамиша мураккаб бўлган.

НОМЗОДНИНГ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАЙМАН,

— дейди Халқ таълими вазири Шерзод ШЕРМАТОВ



Мақсуда Ворисованинг таълим йўналишидаги таклифлари ҳаётий ҳақиқатларга асослангани, тизимда етилиб келаётган муаммоларга ҳам жавоб берилгани билан ажралиб туради. Умуман олганда, билдирилган таклифларнинг моҳиятига қаралса, халқ таълими тизимида ижтимоий тенгликни мустаҳкамлаш, ўқувчилар ўртасида соғлом муҳитни таъминлаш масалалари асосий ўринни эгаллаши кўзга ташланади. Юқоридагилардан келиб чикиб, Халқ таълими вазири Шерзод ШЕРМАТОВга айрим саволлар билан мурожаат қилдик.

— Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод дастурига муносабатингизни билдирсангиз.

— Ижтимоий тенглик. Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Чунки ХДПнинг асосий йўналиши, ғояси ҳам жамиятда тенгликни таъминлашга қаратилган. Афсуски, ҳаётда ҳамма тенг эмас. Тўғри, бозор иқтисодиётига қараб кетяпмиз ва унда кимдир жуда бой бўлади, кимдир ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам сирасига қиради. Лекин таълим жараёнида бу жиҳат сезилиши керак эмас. Шу маънода, Мақсуда Ворисованинг таълимга оид илгари сурган таклифларини жуда ҳам тўғри, деб ҳисоблайман.

Хусусан, бошланғич синф ўқувчиларига текин нонушталар ташкил этиш, ўқувчилар учун жамоат транспортларидан фойдаланишни бепул асосда йўлга қўйиш ҳақидаги таклифни Халқ таълими вазири сифатида,

албатта, қўллаб-қувватлайман. Чунки бошланғич таълим бу — асос, кейинги босқичдаги ҳар қандай таълимнинг пойдевори ҳисобланади.

Сўнгги пайтларда бошланғич таълимда амалга оширилаётган ислохотлардан ҳам кўриниб турибдики, болага қанча кичик ёшдан инвестиция йўналтирилса, бу ҳаётда шунча кўп самара беради. Номзоднинг ушбу масалада ҳам қатор таклифлари бор. Халқ таълимида эса бошланғич таълим энг муҳим босқичдир. Агар пойдевор қақувват бўлса, иморат мустаҳкам бўлади. Шундай экан, бола, аввало, соғлом бўлиб вояга еташи керак. Етарлича микроэлементлар ва бошқа зарур воситаларни олиши керакки, унинг онги ва организми соғлом ривожлансин. Ана шунда ўқиб-ўрганаётганлари унинг миясига яхшироқ қиради, яхши ўқийди, дейлик, рақамли дунёнинг калити — математикани яхши ўрганади.

Бошланғич синфни битирганда дунёнинг қўллаб мамлакатларида ўқувчиларнинг ўқиш (EGRA) ва математика (EGMA) бўйича қобилиятларини баҳолаш тадқиқотлари мунтазам олиб борилади. Бунинг учун эса юқорида айтганимдек, бола соғлом бўлиши лозим.

Қани эди, бошланғич синфдаги барча болани бепул нонушта билан таъминлаш имкони бўлса? Албатта, унинг даражаси, меъёри қандай бўлишини экспертлар ўрганиши талаб этилади. Чунки таомнома ҳар куни ҳар хил тузилади. Асосийси, бу таклиф инobatта олиниб, келгуси йиллар бюджет параметрига қўшилса, фарзандларимиз учун жуда ҳам фойдали бўлади.

Яна бир нарсани инobatта олиш керак. Президент сайлови парламентга ва аксинча, парламент сайлови Президент сайловига таъсир қилади. Ҳар икки жараёнда ҳам партиялар ўз тарафдорлари ва хайрихоҳларини кўпайтириб олади. Натижада, ғалабага яқинлашадди, парламентда кўпроқ ўринга эга бўлади. Табиийки, ўз ғоя ва ташаббусларини амалга ошириш учун эшиклар каттарoқ очилади.

Биз турли таклифлар айтишимиз мумкин. Лекин унинг ижроси бевосита бюджет маблағларига боғлиқ. Давлат бюджетини тасдиқлайдиган Олий Мажлис депутатларининг таклифлари, қарорлари асосида номзод илгари сураётган ижтимоий ҳимоя, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат ғояларини амалга ошириш имкони юзага келади. Зеро, бу масалаларнинг барчасига пул талаб этилади.

Қани эди, бошланғич синфдаги барча болани бепул нонушта билан таъминлаш имкони бўлса? Албатта, унинг даражаси, меъёри қандай бўлишини экспертлар ўрганиши талаб этилади. Чунки таомнома ҳар куни ҳар хил тузилади. Асосийси, бу таклиф инobatта олиниб, келгуси йиллар бюджет параметрига қўшилса, фарзандларимиз учун жуда ҳам фойдали бўлади.

Ўз навбатида, қайсидир йўналишда солиқларни ошириш ёки қайсидир харажатларни қисқартириш керак бўлади. Демак, номзод ҳам имкони борица ғалаба учун ҳаракат қилиши, партия эса ўз дастурий ғояларининг давомийлигини таъминлашга эришиши лозим.

— Ушбу соҳанинг мутахассиси сифатида яна қандай таклифларни айтган бўлардингиз?

— Ўқитувчининг жамиятдаги обрўси, нуфузи ҳамда ойлигини оширишни таълим соҳасида устувор вазифа сифатида белгилаб олганмиз. Албатта, бу ўз-ўзидан амалга ошмайди. Сабаби, энг катта иш берувчи ташкилот халқ таълими тизими ҳисобланади. Шу сабабли, арзимаган фоизга ойлиқларни ошириш ҳам бир неча триллион сўмга айланиб кетади. Бу ғояни ўтказиш учун парламентда кўпчилик уни қўллаб-қувватлаши зарур. Чунки маблағлар йўналтирилиши керак бўлган соҳалар кўп, пул эса бехисоб эмас.

Халқ демократик партиясининг нуқтаи-назаридан қаралганда, ўша пулни олиб, қурилиш, завод-фабрика очишдан кўра, таълимга ишлатиш фойдалироқ кўринади. Бироқ ҳамма депутат ҳам бунинг тарафдори эмас. Масалан, “Очиқ бюджет” платформасида фуқароларнинг танлови асосида йўналтирилиши мўлжалланган “Ташаббусли бюджет” амалиёти ўтказилди. Эътиборли жиҳати, одамларимиз билдирган жуда кўп ташаббуслар мактаб ёки таълимга бевосита алоқадор бўлмади. Одам-

ларнинг ўзи кўчаларни таъмирлаш, коммунал соҳа ва яна бошқа йўналишларда таклифлар билдирди, ташаббус билан чиқди. Бюджет шундайки, у кўп бўлмайди, лекин уни сарфлаш билан боғлиқ фикрлар хилма-хил.

Бизнинг истагимиз эса таълимга ажрати-лаётган маблағлар фоиз жиҳатдан йил сайин ўсиб борса, тўғри бўлади. Боиси, шу ёшдаги аҳоли сони кўп. Масалан, ривожланган қайсидир давлат билан солиштирганда, бу сумма кўпроқдек кўриниши мумкин. Бироқ уларнинг оилаларида фарзанд кам, бир ёки икки нафардан бўлади. Бизда эса 2-4 нафар бола бор. Иккинчи томони, соядаги иқтисодиёт, дейилади-ку, ўшани легализация қилиш ҳисобига бюджетни кўпайтириш керак. Чунки солиқ тўловчи кам, лекин ҳамманинг боласи мактабда ўқийди.

— Таълим ҳақида гап кетганда, унинг сифати биринчи ўринга чиқади. Бунда эса дарсликлар, ўқув-қўлланмалар лозим. Бошланғич синфларнинг дарсликлари бугунги кун талабига жавоб берадими?

— Жорий йилдан бошлаб биринчи синф дарсликларини ўзгартирдик. Бир эмас, 4 та китоб бўлади энди. Бу — боғчага борган бола учун ҳам, бормаганларга ҳам тенг имконият беради. Уларнинг барчаси бир нарсани ўрганади. Ўқувчининг китобига нисбатан ўқитувчининг китоби 1,5-2 барoбар каттарoқ ишланган. Чунки унда дарсни тушунтириш усули, тартиби ёзиб қўйилган. Эндиликда ўқитувчилар конспект қилишга мажбур эмас. Қўшимча манба қидириб, интернет титкилашга сарфлаган вақтини ўқитувчилар бошқа фойдалироқ машғулотга йўналтиради. Мухими, барча жойда бир хил усулда дарс ўтилади ва бу тенгликни таъминлашга хизмат қилади.

Тўғри, ушбу ташаббусимизга ўзларининг “ақли” фикрларини билдирганлар ҳам бўлди. “Ўқитувчини жанг майдонида қуролсиз юбo-ряписизлар”, деган эътирозларни ҳам эшитдик. Конспект ёзишни тақиқламадик, шунчаки бу жараённинг текшириш, жазолаш инструмен-тидан воз кечилди, холос. Ўз устида ишлай-диган педагоглар конспект қилади, имкони борлар интернетдан маълумотлар топади. Чеклов йўқ.

Ҳар бир мавзунинг қандай тартибда ўтилиши ҳақида ёзиб қўйилган. Натижада, таълимда мувозанат юзага келади, тенглик-ка эришилади. Авваллари ўз устида доимий ишлайдиган, интернет ва бошқа манбалардан фойдаланишга имконияти бор ўқитувчилар у ер-бу ердан кўчирган, қўшимча адабиёт олган. Эндиликда ҳаммада бир хил маълумот бўлади ва бу догма эмас. Қолгани эса ўқитувчининг маҳорати, тажрибасига боғлиқ. Минимал даражадаги таълим сифати йўлга қўйилади.

Яна бир мулоҳаза. Биз бугун тизимда энг паст кўрсаткичли мактаблар билан алоҳида ишля-япмиз. Бундай мактаблар бўл-маслиги керак, деб ҳисоблаймиз. Олиб борилган ишлар натижа-сида ўтган йилнинг ўзида 2000 га яқин мактаб қуйи даражадан ўрта даражага кўтарилди. Демак, шунча маҳаллада ёшлар олий таълимга ўқишга кирган. Ваҳо-ланки, ўша ҳудудларда йиллар давомида бирорта ҳам олий маъ-лумотли шахс етишиб чиқмаган.

Бу бевосита камбағалликни камайтиришга ҳисса қўшади. Секин-секин қамров кенгая-ди, одамларнинг дунёқараши, тафаккури ўзгаради. Билимли одамлар орасидан яхши мутахас-сислар шаклланади. Буларнинг барчасига босқичма-босқич эри-шилади.

“Ўзбекистон овози” мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

МУНОСАБАТ

ҲАЁТИЙ ВА ХАЛҚЧИЛ ДАСТУР



Зокиржон ҚЎЗИБОЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси Олий
суди
Жамоатчилик ва ОАВ
билан ҳамкорлик
бошқармаси катта
консультанти.

— Қонун устуворлиги, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ҳар бир давлат сиёсатининг ажрал-мас тамойилидир. Умуман, жамиятда қонун усту-вор бўлмас экан, демократик тараққиёт ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам доим Президентлик сайловларида номзодлар бу ма-салага алоҳида эътибор қаратадилар.

Мамлакатимизда жорий йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президентлик сайловла-рида иштирок этадиган номзодлар дастурлари билан танишар экансиз, инсон ҳуқуқлари, қо-нун устуворлиги, суд-ҳуқуқ соҳасида у ёки бу даражада келгусида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар кўрсатилган.

Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда Ворисованинг Сайловолди дастури билан тани-шар эканман, мамлакатни ривожлантиришнинг кўпгина соҳалари қатори суд-ҳуқуқ масаласига алоҳида эътибор қаратганлигини кўриш мумкин.

Номзоднинг Сайловолди дастурида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда жамоат-чиликнинг кенг иштирокини таъминлаш маса-ласи алоҳида ўрин олганлиги эътиборга молик.

Фикримча, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда кенг жамоатчилик фикри билан ҳи-

соблашиш тўғри кўтарилган. Халқимизда мақол бор: “Кенгашли тўй тарқамас”, деган. Ўзбек халқи азалдан бирор тadbир қилмоқчи бўлса ҳам кўпчилик билан кенгашиб иш кўрган. Бу эса кутилган натижани берган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳар бир қонун ҳужжати лойиҳасининг пишиқ-пухта бўлиши учун доно халқимиз фикр элагидан ўтказган мақсадга мувофиқ эмасми?

Масалан, қонун лойиҳасини тайёрлашда депутатлар ва мутахассислар иштирок этади. Амалиётда эса айрим ҳолларда қонунга кири-тилиши лозим бўлган энг муҳим жиҳатлар эъ-тибордан четда қолиб кетиши мумкин. Дейлик, таълим-тарбия билан боғлиқ қонун лойиҳаси жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинганда, бу лойиҳага нисбатан юзлаб фикрлар ўртага ташланади. Қонун ижодкорлари бу фикрларни саралаб, мақбулларини ажратиб оладиган бўл-са, анча мукамал қонун яратилади. Бу ҳаётда ўзини оқлаган усул.

Номзод томонидан инсон манфаати, айниқса, ижтимоий ҳимояга оид қонун ҳужжатлари лой-иҳаларини тайёрлашда кенг жамоатчилик ишти-рокини таъминлаш масаласи ўринли кўтарилган. Шу жиҳатдан ҳам дастурни ҳаётий ва халқчил, деб биламан.

МУАММО ВА ЕЧИМ

ОНАЛИК МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТДИР

ХАВОТИР НИМАДА?..

Ишлайдиган аёллар “декрет пули”, “бола парвариши давридаги нафақа пули”, “бола пули”, деган машмашаларга дуч келгани аниқ. Тўғри, декретга кетиш биров муддат ишдан ҳоли тарзда ўзини оиласига, бола-чақасига бағишлаш завқини беради. Бунинг қувончини она бўлиш арафасида турган ҳамма аёллар ҳис қилади. Лекин бу давр кимлар учундир хавотирли ўйлар билан кечади. Декрет пули берармикин, нафақа пули ажратилса, оиламга анча нафи тегарди, деган хавотирлар билан юрган аёллар йўқ, дейсизми? Бор, албатта.

3 йиллик таътилни ўзига тўқ аёллар тўлиқ олади. Лекин гапнинг пўсткалласини айтганда, бу даврда нафақа пулига қараб қолган, бола 2 ёшга тўлгандан кейин яна бир йил ойлик олмасдан бола тарбияси билан шуғулланишга қийналадиган оилаларимиз ҳам жуда кўп. Ҳа, очигини айтиш керак, кўп...

Ҳақиқат шуки, мамлакатимизда аёлларнинг бола парвариши давридаги ҳимояси, нафақа ва ёрдам пулини тайинлаш бўйича мезонлар реал аҳволга мос келмайди. Бу меъёрлар чуқур таҳлиллар асосида ишлаб чиқилмаган, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражасини тўлиқ ифодаламайди.

ҚОНУН НИМА ДЕЙДИ?

Меҳнат кодексининг 233-моддасига мувофиқ, ишлаётган аёлларга туққунга қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда 70 календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилади. Жами 126 кун ёки 4 ойдан биров кўп. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, норасмий тилда “касаллик варақаси” ходимага декрет таътилини расмийлаштириш учун асос бўлади.

“Касаллик варақасида” кўрсатилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддати тугаганидан кейин аёл боласи икки ёшга тўлгунга қадар, бу давр учун нафақа тўланган ҳолда болани парваришlash учун таътилга, ундан кейин эса боласи уч ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътилга чиқиши мумкин.

АДЛИЯ ВАЗИРИГА ҲАВОЛА: ҚАРОР ҚОНУНГА ЗИД ЭКАНЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Эсингизда бўлса, Президентнинг 2016 йилдаги қарорига кўра, ишланган даврга боғлиқ ҳолда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар миқдорида тегишли ўзгартиришлар киритилди. Ушбу тузатишлар 2018 йилдаги Фармон билан киритилди ҳамда ўша йилнинг 5 апрель санасидан кучга кирди.

Унга кўра, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа миқдори аёл ишга қабул қилинган кундан бошлаб амалда ишланган вақтига қараб табақалаштирилган.



— Пенсия ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш, аёлларнинг бола парваришидаги даврини иш стажига қўшиб ҳисоблаш лозим.

СТАТИСТИКА

Молия вазирлиги тақдим этган маълумотга кўра, 2020 йилда бюджет ташкилотларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланган ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар бир ходимга ўртача 4,5 миллион сўмдан тўғри келган.

Имкониятлардан оқилона фойдаланиб, кредитга уй-жой ва бошқа зарур нарсалар харид қилаётган ёш оилалар жуда кўп. Аммо оилада фақат эркакнинг топгани доим рўзгорга етавермайди. Оила бошлиғи рўзгорни ҳам моддий жиҳатдан таъминлашга, ҳам кредит тўлашга қийналиб қолиши мумкин.



МАҚСУДА ВОРИСОВА БУ БОРАДА ҚАТЪИЙ ТАКЛИФ БИЛАН ЧИҚДИ

Номзодимиз фикрича, пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кафолатлайдиган пенсия ва ижтимоий таъминотнинг мақбул тизимини шакллантириш керак.

Хусусан, Сайловолди дастурида аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига болани 3 ёшга тўлгунча парваришlash таътилларида бўлиш вақтини тўлиқ қўшиб ҳисоблаш масаласи илгари сурилди.

Шу мақсадда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар берди.

– Менинг фикримча, ана шу қонунни бола туғиш ва уни парваришlash ҳақида умуман, тушунчаси бўлмаган эркаклар тузган ва қабул қилган. Акс ҳолда, фарзандни дунёга келтириш, уни гўдаклигида тарбияlash канчалар оғир меҳнат эканлигини билар эдилар ва ноҳақликка йўл қўйилмаган бўлар эди, – дейди номзод. – Эътибор беринг, нафақат бола парвариши муддати, балки аёлга туғиш ва ундан кейинги таътил (жами 126 кун) халқ тилида “декрет таътили” дейилади, иш стажига киритилмайди.

Жамият ривожланиши, тараққий топиши учун унга доимий равишда билимми, соғлом, дунёқарashi кенг ёш авлод келиб қўшилиши шарт. Бу масъулиятли вазифа дунёнинг муқаддас бурчи. Лекин бугунги кунда биз уларни бу фидокорликлари учун жазоламаяпмизми?

Бир корхонага бир кунда ишга келган эркак ва аёл учун иш фаолияти якунида узлуксиз меҳнат стаж икки хил натижа бермоқда ва бу, албатта, пенсия миқдорида ўз аксини топади.

Бундай шароитда уларга молиявий кўмак сув ва ҳаводек керак...

Яна бир масала борки, айрим иш берувчилар томонидан тўланадиган бола пули ҳам 2 ёшдан кейин тўланмайди. Бу эса ёш оилалар, ёлғиз оналар учун қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Оз бўлса-да, жонига оро кириб турган бола пули берилиши тўхтатилгандан кейин “энди ишга чиқсам ҳам бўлади”, деган онанинг ҳафсаласи яна пир бўлади. Чунки боғчалар болаларни 3 ёшдан бошлаб қабул қилади. Кўпчилик аёлларимиз худди шундай муаммолар юзасидан дардини кимга айтишни билмай ҳайрон.

Ваҳоланки, адолатли жамиятда унинг бўлажак фуқароларини дунёга келтираётган аёллар фаол қўллаб-қувватланиши, уларнинг келажак авлодни парваришlash даврига ҳақли нафақа тўланиши керак эмасми?

“ДЕКРЕТ”ДАГИ ДАВР: ҲАММАСИНИ ЖАМЛАГАНДА КЎПИ БИЛАН 3 ЙИЛЛИК СТАЖ, ХОЛОС(МИ)?

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 37-моддаси «ж» бандига мувофиқ, бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришlash таътилларида бўлиш вақти ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йилдир. Ҳа, худди шундай. Қонунчилигимизга кўра, декрет таътилида бўлган даврнинг

ҳаммаси ҳам иш стажига қўшиб ҳисобланмайди.

Аёлларга ҳомиладорлиги муносабати билан 2 турдаги таътил берилади: ҳомиладорлик ва туғиш таътили. Шунингдек, болани 2 ёшгача ва 3 ёшгача парваришlash таътили. Бунда бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришlash таътилларида бўлиш вақти, лекин болалар сонидан қатъи назар, ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил иш стажига қўшиб ҳисобланади. Ҳомиладорлик ва туғуруқ таътили иш стажига қўшилмайди.

Болани парваришlash таътилида бўлиш вақтини иш стажига қўшиб ҳисоблашнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Биринчидан, бола 3 ёшга тўлгунча уни парваришlash таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Масалан, агар ишловчи аёллар 30 йиллик иш стажига эга бўлса, шунинг ичида умумий ҳисобда уч нафар бола парвариши учун 8 йил таътилга чиққан бўлса, унга пенсия тайинлаш учун иш стаж икки 25 йил, деб белгиланади. (30 йил–8 йил+3 йил=25 йил).

МУХТАСАР АЙТГАНДА

Амалдаги қонун ўз ҳаётида нари борса бир нафар фарзанд кўрадиган Европа аёлларининг ҳуқуқларига мос, лекин бизнинг болажон халқимиз ўрта ҳисобда икки ёки уч нафар фарзандли оилани хоҳлайди. Демак, ҳар бир ишловчи аёл меҳнат стажидан ўртача 5 йил ютқазаяпти. Бу – аёл ҳуқуқларининг камситилиши эмасми?

Ўйлаймизки, номзодимиз илгари сураётган таклиф фаол қўллаб-қувватланса, мамлакатда аёллар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, оналар ҳурматини жойига қўйиш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлади.

Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Мақсуда Ворисовага овоз беринг! Биз мамлакатда ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос бўлган давлат ва жамият барпо этиш тарафдоримиз.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.





— Ҳар бир оила ўзининг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларини қондириши учун, жумладан, қулай уй-жой, узлуксиз энергия таъминоти, табиий газ ва ичимлик суви, сифатли озиқ-овқат, замонавий таълим ва малакавий тиббий хизматдан фойдаланиши учун етадиган даромад манбаига эга бўлмоғи керак.

Ўзбекистон ХДП номзодининг Сайловолди дастуридан

22-sentyabr, chorshanba, 2021-yil.
№38 (32680)

ЖУРНАЛИСТ БОНГ УРАДИ

БУГУН ҚАЁҚҚА ҚАРАМАНГ, ҲАММА ЖОЙДА ҚУРИЛИШ – АЙНАН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ. ШУНЧА УЙНИ КИМ СОТИБ ОЛАР ЭКАН, ДЕГАН ЎЙ КЕЛАДИ ХАЁЛГА. АММО, БОРИБ СУРИШТИРСАНГИЗ, ТАЙЁРЛАРИ АЛЛАҚАЧОН СОТИБ БЎЛИНГАН. ПУЛИ БОРЛАР-КУ, БУ МАСАЛАДА МУАММОГА ЙЎЛИҚМАСЛИГИ АНИҚ. ИСТАГАН ЖОЙИДАН, ИСТАЛГАН УЙИНИ СОТИБ ОЛИШГА ИМКОНИ БЎЛАДИ. АММО ЙИЛЛАБ ЙИҚҚАН-ТЕРГАНИ БЎЛМАГАН, ФАҚАТ МАОШГА ИШЛОВЧИ ОДАМ БУНДАЙ МАБЛАҒНИ ТОПА ОЛМАЙДИ.



Номзодимиз дастурида оғир ижтимоий аҳволдаги оилаларни ижтимоий турар жойлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

УЙ-ЖОЙ ЭҲТИЁЖИ ҚАЧОН ИНОБАТГА ОЛИНАДИ?

КРЕДИТГА УЙ ДЕЙСИЗМИ, ТАЙЁРИ ҚОЛМАГАН...

Тўғри, уй-жой қурилиши учун давлат томонидан аҳолига ҳам, қурувчиларга ҳам катта имтиёзлар берилмоқда. Хусусан, жорий йилда кредитлар ипотека кредитининг энг кўп миқдорларидан ошмайдиган ва дастлабки бадали яқка тартибдаги уй-жойни қуриш ишлари қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, 6 ойлик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга ажратилди.

Тайёр хонадонларни сотиб олиш учун ҳам банклардан 20 йил муддатга 17-18 фоизли кредит олиш мумкин. Бунда янги қурилган уйлар ва иккиламчи бозор учун мўлжалланганлари бор. Янги қурилган уйларга бориб кўринг, 20 йиллик ипотека кредити билан уй олмоқчиман, деб кўринг.

Хўп, уйлар бор, аммо тайёрлари аллақачон сотиб бўлинди, 1,5-2 йил ичида қуриб битадиган уйлар бор, деган жавоб оласиз аксариятидан. Қисқа муддатда қуриб битказиладиганларида эса нархлар осмонга чиқиб улгурган. Ана энди бошланғич тўловни амалга оширман, деб уриниб кўринг-чи? Аслида 20 йиллик муддатли тўловлар кам даромадли, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга енгиллик бўлиши учун жорий этилган эди-ку!

ИККИЛАМЧИ БОЗОРНИНГ БИРЛАМЧИ МУАММОСИ

Энди иккиламчи бозор учун бериладиган кредитлар ҳақида. Бу борада кафилик масаласида аҳолидан кўплаб эътирозлар бўляпти. Яъни, иккиламчи уй-жой учун кредит олишда фақат оила аъзоларигина кафил бўлиши белгиланган. Бу – битта оилада икки киши иш билан таъминланган бўлиши керак, дегани. Ахир фақат бир киши расмий ишлайдиган оилалар кўп-ку. Хўш, улар кимни кафиликка қўйиб маблағ олишади? Янги қуриладиган уйларнинг тайёри бўлмаса, уларнинг қурилиши тугалланишини йиллаб кутишга тўғри келса, қандай йўл тутиш керак?..

Бугунги иккиламчи уй-жой харид қилиш ва таъмирлаш учун мўлжалланган лойиҳалар “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Бунинг учун компания билан 189,75 млрд. сўмлик бош шартнома имзоланди. Ушбу кредит тури Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида, уй-жой сотиб олиш учун 20 йилгача имтиёзли давр белгиланмаган ҳолда тақдим этилади. Кредитни сўндириш аннуитет тўловлар жадвалига асосан амалга оширилади. Бунда уй-жой сотиб олиш учун кредит суммаси уй-жой қийматининг 75 фоизидан ва 400,0 млн. сўмдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Хўп, бу меъёрлар тўғри келар, аммо бунга амал қилинган билан кафилик бўлмаса маблағни унга муҳтож одам барибир ололмайди-ку. Эҳтиёжманд, кам даромадли дегани шундоқ ҳам битта кишининг топгани ҳисобига бир неча киши яшаши, дегани эмасми? Ахир бир оилада икки-уч киши ишласа, қай даражада ижтимоий таъминотга муҳтож ҳисобланади? Саволлар кўп, аммо ечими йўқ...

СЕРТИФИКАТ БОР, МАБЛАҒНИ КИМ БЕРАДИ?

Яна бир имтиёз ҳақида айтмасак бўлмас. Эндиликда даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шариитини яхшилашга муҳтож фуқароларга яқка тартибдаги уй-жойларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки 5 йил мобайнида фоиз ставкасининг 10 фоизлик пунктдан ошган қисмини қоплаш учун

Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади. Бу ўз уйига эга бўлиш учун яхши ният билан ишлаб, ҳаракат қиладиган оилаларга уй-жой олиш учун имконият янада кенгайди, деганидир.

Тўғриси айтиш керак, кичик бир ватаним-жойим бўлса, деган ташвишда юрган шундай оилалар борки, бутун умр топган-тутганини уй-жой қуришга сарфлайди. Уй қуриш, бошпана учун пул йиғиш мақсадида оиласидан, фарзандларидан узоқда оғир меҳнатларни қилишга мажбур бўлишпти. Субсидиялар ажратилиши кўплаб оилаларга уй олишида бироз қулайлик, енгиллик яратади, деб хурсанд бўлади одам. Афсуски, бу масалада ҳам муаммолар етарлича.

Биринчидан, унга ҳужжат йиғиш масаласи. У ёққа чопасан, бу ёққа чопасан. Оворагарчилик.

Иккинчидан, навбатинг қачон келишини ҳеч ким билмайди. Чунки қанчалаб оилалар, фуқаролар ҳужжат топширган субсидия учун. Энди маррага етдим, деганда банкда ҳаммаса қайтадан бошланади. Лимит ажратилмаган, унга бор, бунга бор. Кафил топсанг, машинаг етмайди, уй топсанг, бериладиган маблағ чегараланган. Озгина пулга уй ололмайсан. Хуллас, оладиган пулга анчагина тер тўкасан.

Ёки банкларнинг ўзига тегишли бўлган ички қарорларига асосан рад жавоби ҳам олишингиз мумкин. Нима кипти, бор-йўғи 3-4 ой елиб-югургандирсиз, вақтингиз кетгандир, ошиб борса бироз харажат қилгандирсиз. Насиб қилса, яна бир уриниб кўрасиз ёки даромадлироқ иш топишга ҳаракат қиласиз...

МЕЪЁРЛАР МУКАММАЛМИ? ПАРТИЯМИЗ ВАКИЛЛАРИНИНГ МУЛОҲАЗАСИ

– Маълумки, уй-жой муносабатлари уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган, – дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Ўрол Ўрозбоев**. – Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 1998 йилда қабул қилинган бўлиб, бугун қўйилаётган вазифа ва талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Шу боисдан амалдаги кодекс билан тартибга солинадиган муносабатлар, фуқаролар, юридик шахслар, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бугунги кун тартибидаги масалалар бўйича муносабатлари, шунингдек, турар жойларга мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқининг юзага келиши, амалга оширилиши, ўзгаришига оид тегишли моддалар қайта кўриб чиқиши керак. Аҳолининг уй-жой шариитини яхшилашда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларининг тақдим этилиши Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилда қабул қилинган “Ипотека тўғриси”даги қонунининг уйлар ва квартиралар ипотекаси тўғрисидаги қоидаларнинг қўлланилиши (61-модда); кўп квартиралар уйдаги квартиралар ипотекаси (62-модда); қуриладиган уйлар ипотекаси (63-модда); банк ёки бошқа кредит ташкилотининг кредити ҳисобига олинадиган ёки қуриладиган уйлар ва квартиралар ипотекаси (64-модда) оид нормаларини такомиллаштиришни талаб этади.

– Одамларимиз ўзи, оиласи ва фарзандлари учун қулай уй-жой қурмагунча ёки

АЙРИМ ЁШЛАР УЙ-ЖОЙИ ЙЎҚЛИГИ, ШАРОИТ ОҒИРЛИГИ УЧУН ОИЛА ҚУРИШГА ҲАДИКСИРАМОҚДА. КЎПЛАРИ БОШПАНА УЧУН ПУЛ ТЎПЛАШ МАҚСАДИДА ОҒИР МЕҲНАТЛАРНИ ҚИЛИШГА, ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАШГА, ЕМАЙ-ИЧМАЙ МИСҚОЛЛАБ ПУЛ ЙИҒИШГА МАЖБУР БЎЛМОҚДА. ТАЙИНЛИ УЙ-ЖОЙИ ЙЎҚЛИГИ ТУФАЙЛИ ЁШ ОИЛАЛАР БУЗИЛИБ КЕТМОҚДА.

унга эга бўлмагунча ҳаловат топмайди. Ўзбек оиласи бола-чакаси билан ижара-ма-ижара кўчиб юришни, “қирққа кириб ҳам ўз уйига эга бўлмаслик”ни қабул қила олмайди, – дейди **ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Дурбек Худойқулов**. – Афсуски, бугунги шариотда орзу-ҳавасдагидек уй-жой қуриш, уни сотиб олиш кўпчилик оилалар учун жиддий муаммога айлانмоқда. Қурилиш молларининг нархи қимматлиги туфайли уй кўтариш, янгидан қурилган, замонавий ёки арзонлаштирилган уйларни сотиб олиш ҳам ниҳоятда қимматга тушмоқда.

Оқибатда айрим ёшлар уй-жойи йўқлиги, шариот оғирлиги учун оила қуришга ҳадиксирамоқда. Кўплари бошпана учун пул тўплаш мақсадида оғир меҳнатларни қилишга, чет эллarda ишлашга, емай-ичмай мисқоллаб пул йиғишга мажбур бўлмоқда. Тайинли уй-жойи йўқлиги туфайли ёш оилалар бузилиб кетмоқда.

Халқ демократик партияси уй-жой қайғусида юрган юртдошларимизнинг муаммоларини яхши тушунади ва бу масалада мамлакатимизда янгича тизим жорий этиш, ижтимоий-иқтисодий имкониятлари чекланган кишиларнинг манфаатларини ҳимоялаш зарур, деган ташаббусни илгари сўрапти.

НОМЗОД ДАСТУРИГА НАЗАР

Ҳақиқатан ҳам тизимда ечимини кутаётган муаммолар талайгина. ЎзХДП фаоллари, депутатларнинг электорат вакиллари, аҳоли билан учрашувларида ҳам айнан

ушбу масалада қатор муножаатлар бўлади. Айниқса, кам даромадли, кўп болали оилалар бу масалада қийинчиликларга дуч келмоқда.

Президентликка номзод Мақсуда Ворисованинг Сайловолди дастурининг ижтимоий ҳимоя масалаларига бағишланган қисмида “Оғир ижтимоий аҳволдаги оилаларни ижтимоий турар жойлар билан таъминлаш” вазифаси белгиланган.

Хўш, бир камбағал оила тайёр уй ололмаса, имтиёзлардан фойдалана билмаса, унинг ўрнига таниш-билишлик, коррупция туфайли ўзига тўқ фуқаролар уй-жойларга эгалик ҳуқуқини кўлга киритса, унда муаммолар ечимига қандай ёндошиш мумкин? Ўйлайманки, шунинг учун ҳам номзодимиз дастурида оғир ижтимоий аҳволдаги оилаларни ижтимоий турар жойлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Муаммога қай бир маънода ечим бўлади-ган бу таклифни ҳамма ҳам қўллаб-қувватла-маслиги мумкин. Аммо йиллар давомида ижара-ма-ижара сарсон юрган, машина рўзгорга етказса, уй тўловига етказолмайдиган, ойдан ойга зўрга етиб оладиганлар унинг қийматини яхши тушунишади.

Ўз уйига эга бўлгунча яшаш ҳуқуқини берадиган бундай тартибдаги уй-жойлар муҳтож кишиларни бу ташвишлардан бироз бўлса-да ҳоли бўлишига, етарли маблағ тўплаб олгунга қадар бир бошпанада беҳавотир яшашлари-га имконият яратади. Зеро, уйли одамнинг ташвиши кам, топганида барака бўлади.

МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАР

1. Дунёнинг қатор ривожланган давлатларида “ҳашамат солиғи” мавжуд. Ҳашаматли ипотека уйларини қураётган компаниялар ва тижорат банклари даромадидан мажбурий ажратмалар олиб қолиш тартибини қонунан жорий этиш мумкин. Бу маблағлар махсус фондларга йўналтирилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жумладан, уй-жойи йўқ, яшаш шариоти жуда оғир аёллар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган шахслар учун арзон уй-жой қуришга сарфлаш кўзда тутилади.

2. Муайян ойлик даромадга эга бўлган, аммо жойларда қуриладиган уй-жойларни ипотека кредити асосида харид қилиш учун дастлабки бадал пулини тўлашга қўрби етмайдиган оилалар, ёшлар учун уйни дастлабки бадалсиз сотиб олиш имкониятини яратиш лозим.

3. Ижара асосида яшаётган аксар оилалар ва ёшларнинг уй сотиб олишга қўрби етмайди. Топган даромадининг катта қисмини уй-жой ижараси учун сарфлайди. Табиийки, бу уларнинг яқин келажақда ўз уйига эга бўлиш имкониятини янада камайтиради. Шу боис, арзон уйларни олишга, ижара асосидаги квартираларда туришга моддий имконияти етмайдиган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ижара асосида фойдаланишга мўлжалланган муниципал уйларни қуриш бугунги давр талабидир.

Яшашида ва уй-жой масаласида ҳаловати бўлмаган инсон ўзини бахтли ҳис этмаслигидан ташқари, ҳеч бир соҳада ёки ишда муваффақиятга эриша олмайди. Биз аҳолининг уй-жой масалалари билан боғлиқ оғриқли муаммоларини ҳал этиб бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Гулрух ОДАШБОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



— Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шериклик амалиётини кенг ривожлантириш зарур.

22-sentyabr, chorshanba, 2021-yil.
№38 (32680)

Ўзбекистон ХДП номзодининг Сайловолди дастуридан

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ
БУЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК ҚАТЪИЙ
БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛИШИ
САЙЛОВ ЭРКИНЛИГИ
ТАМОЙИЛИ ЯНАДА ҚАТЪИЙ
АМАЛГА ОШИРИЛИШИГА,
МАМЛАКАТИМИЗ
САЙЛОВ ТИЗИМИ ЯНАДА
ДЕМОКРАТЛАШТИРИЛИШИГА,
САЙЛОВНИНГ ОЧИҚ
ҲАМДА ОШКОРАЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ
ҚИЛАДИ.



ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ТАМОЙИЛЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК НАЗАРДА ТУТИЛГАН

Сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ сайлов комиссиялари ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва мансабдор шахслардан мустақилдир. Зеро, сайлов жараёнини қонуний, адолатли ҳамда сайловнинг барча иштирокчиларига тенг шароитларда ташкил этиш учун сайлов комиссияси аъзоларининг мустақил ҳолда иш юритишлари ғоят муҳим тамойил ҳисобланади. Унинг амалда таъминланмаслиги сайловларнинг демократик моҳиятига путур етказади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорларини бажармаслик мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Республикаимиз Жиноят кодексидан сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлиқни назарда тутувчи нормалар ҳам мавжуд.

Жиноят кодекси 146-моддасида сайлов ёки референдумни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, 147-моддасида эса сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Сайлов ёки референдумни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ бўлган қилмишлар Жиноят кодексининг 146-моддасида белгилаб қўйилган. Булар сайловлар ёки референдумни ташкил қилиш пайтида мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вакиллари, сайлов комиссиялари ёхуд референдум комиссияларининг аъзолари томонидан содир этилган қонунбузарликлардан, хусусан, овоз беришнинг яширинлигини бузиш,

сайлов ҳужжатлари ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, бюллетенлар ва имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблашдан иборат.

Ушбу жиноят содир этилган ҳолларда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи бўлмиш сайлов ҳуқуқи, референдум ва сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича белгиланган тартиб бузилади.

Ўзбекистон Республикасида сайловчилар хоҳиш ва иродаларини эркин ифодалаш ҳамда яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Участка сайлов комиссияларида овоз бериш учун махсус хоналар ажратиш орқали фуқароларга хоҳиш ва иродаларини эркин билдиришлариغا имкон яратилади. Яширин овоз бериш сайловчининг устидан ҳеч бир назорат йўқлигини назарда тутаяди.

Овоз беришнинг яширинлигини бузиш деганда, сайлов (референдум) қатнашчисининг хоҳиш ва иродасини билиб олиш ниятида амалга оширилган у ёки бу ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушунилади. Бу сайлов участкаларининг яширин овоз беришни кафолатловчи махсус кабиналарсиз қолдирилиши, сайловчини бундай кабинага киритмаслик, кабинага кириб, овоз бериш жараёнини кузатиш, тўлдирилган бюллетенларни ғайриқонуний равишда кўриб чиқиш, сайлов бюллетенларини номерлаш ва ҳоказоларда намоён бўлиши мумкин.

Сайлов ҳужжатлари ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш асл (расмий) ҳужжатларга ёлғон, яъни ҳақиқатга зид маълумотларни киритишда ўз аксини топади. Шунингдек, ҳужжатларни қалбакилаштириш, аниқроғи шаклан ва мазмунан сохта ҳужжатларни яратиш ёки асл ҳужжатга қисман хато ўзгариш киритиш ҳам сохталаштириш бўлиб ҳисобланади. Ҳар икки ҳо-

латда ҳам қалбакилаштириш сайлов ёки референдумда қатнашаётган шахснинг хоҳиш-иродасини бузаётганлигини кўрсатади.

Сайлов бюллетенлари ёки сайловчи варақаларига сохта ёзув киритилиши, моҳиятан, сайлов ҳужжатлари ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштиришнинг бир кўриниши бўлиб, асл ҳужжатга ҳақиқатга зид ёзув (маълумот)ларни киритишда ўз ифодасини топади. Овозларнинг атайлаб нотўғри ҳисобланаши – сайлов натижаларини қасддан қалбакилаштириш, яъни у ёки бу номзод учун берилган "тарафдор" ва "қарши" овозлар сонини ошириш ёки камайтириш, ёки референдум натижаларини қасддан сохталаштиришда намоён бўлади.

Сайлов ёки референдумни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга қаратилган ҳаракатлардан бири содир этилган пайтдан бошлаб, ижтимоий хавф вужудга келган-келмаганлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 146-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарлик юзага келади.

Мазкур жиноят 18 ёшга тўлган мансабдор шахс, сиёсий партия ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари, сайлов комиссиялари ёки референдум комиссиялари аъзолари томонидан содир этилган бўлиши мумкин.

Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (ЖК-нинг 147-моддаси) фуқароларнинг депутатлар ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқларининг амалга оширилишига, депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар вакилларининг фаолиятига, шунингдек, фуқароларнинг референ-

думда эркин иштирок этишига зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олишда ўз ифодасини топади.

Жиноят кодексининг 147-моддасида назарда тутилган жиноят содир этилганда фуқаронинг сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғибот ишларини олиб бориш, референдумни ўтказишда қатнашиш ҳуқуқлари паймол этилади.

Фуқаронинг ўз сайлаш ҳуқуқини амалга оширишига ёки вакил бўлган шахсларнинг ваколатларини ижро этишига тўсқинлик қилиш, уни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, қилмиш ЖК 138- ва 147-моддалари билан квалификация қилинади.

Айбдор шахс сайловчи ёки номзод вакилининг тегишли конституциявий ҳуқуқ ва ваколатларини бажаришига амалда тўсқинлик қила олган ёки олмаганлигидан қатъи назар, юқорида қайд этилган ҳаракатлардан бири содир этилган пайтдан бошлаб, ЖК-нинг 147-моддасига мувофиқ ҳолда жавобгарликка тортилиши лозим.

Сайлаш ҳуқуқи ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилган ақли расо, 16 ёшга тўлган ҳар қандай жисмоний шахс жиноятнинг субъекти бўлади.

Ушбу жиноят мансабдор шахс томонидан содир этилиши ва бошқа зарурий жиҳатларининг мавжуд бўлиши ЖКнинг 147- ва 205- ёки 206-моддалари билан жавобгарликка сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг миллий сайлов тизими Конституциямизга ҳамда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ яратилган.

Баҳром АХРОРОВ,
ТДЮУ профессори.



САВОЛ:

Сиёсий партия нима?

ЖАВОБ:

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

САВОЛ:

Округ сайлов комиссияси ким томонидан ва қандай тузилади?

ЖАВОБ:

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида, яъни 2021 йил 15 августгача комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз – ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Хорижий давлатларда тузилган Ўзбекистон Президенти ўтказувчи участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди

Марказий сайлов комиссияси томонидан жорий йил 25 август куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурда сайлов участкаларини тузиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 37 давлатда Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда 54 та сайлов участкаси тузилган эди.

«101» ОГОҲЛАНТИРАДИ

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинг

Ташкилотлар ва корхоналарда ёнғин хавфсизлиги муҳофазасини ташкиллаштириш ва объектларнинг ёнғинга қарши ҳолатини таъминлаш мазкур муассасалар раҳбарларга юклатилади. Улар ҳар бир ишлаб чиқариш бўлими учун буйруқ билан жавобгар шахсни белгилашлари ва уларнинг ишини назорат қилиб боришлари лозим.

Хўжалик ёки корхоналарнинг маъмурий-техник ходимлари ўзларига тегишли объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш даврида ёнғинга қарши барча тадбирларни тўлиқ амалга оширишни таъминлашлари, юқори ташкилотларнинг кўрсатма ҳамда қарорларининг бажарилишини назорат қилиб боришлари, кўнгилли ёнғин ўчирувчи дружиналарини ташкил этишлари, уларнинг иш фаолиятларини доимий назорат қилиб боришлари даркор.

Сўнгги йилларла юртимизда замонавий уй-жойлар қурилиб, ҳудудларимиз чирой очиб бормоқда. Янги қурилаётган шахсий уйлارнинг эгалари қурилишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмасдан, уйнинг оралик масофаларига эътибор беришмаяпти. Бундай қурилишлар ёнғин хавфсизлиги ходимларига ёнғин содир бўлганда ноқулайликлар туғдирмоқда.

Ёнғинларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида содир бўлмоқда. Бу офат оқибатида кимдир уй-жойидан, бошқалар эса, ҳатто яқин кишиларидан ҳам айрилиб қолмоқда. Кўпинча ёнғинлар маст ҳолатда сигарета чекиб ухлаб қолиш оқибатида ҳам рўй бермоқда.

Ёш болаларни қаровсиз қолдириш ҳам аҳоли турар жойларида ёнғинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Бола барибир

бола-да, қаровсиз қолдирилса у ўзича гугурт ўйнаши, электр асбобларини ишлатиб кўриши мумкин. Табиийки, ёш бола ўз ишининг оқибатини тушуниб етмайди. Қолаверса, у ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмайди. Шу сабабли ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шуни айтиш керакки, маҳаллалар ва кўп қаватли уйлар олдида ноқонуний қурилмалар ёки ўзбошимчилик билан қуриб олинган тўсиқлар ёнғин вақтида ёнғин ўчирувчиларга халақит қилмоқда. Натижада ўт ўчириш кечикиб, уй эгалари жабр кўрмоқда. Кўп ҳолларда эса фуқаролар энг оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмасдан, нафакат ўзларининг қолаверса, кўни-қўшнилари-нинг ҳаётига ва йиллар давомида йиққан моддий бойликларига жиддий зарар етишига сабаб-

чи бўлмоқда. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилсақ, турли офатларнинг олдини олган бўламиз.

Бобомурод САБИРОВ,
Президент Администрациясида қарашли
Архив ва Халқ қабулхонаси биноларида
ЁХТТЭ бўлинмаси мутахассиси, катта сержант.





— Давлат ҳар бир инсоннинг ижтимоий хизматлардан тўла ва бепул фойдалана олишини қонунчилик даражасида ва амалда кафолатлаш учун барча чораларни кўриши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон ХДП номзодининг Сайловолди дастуридан

22-sentyabr, chorshanba, 2021-yil.
№38 (32680)

МУЛОҲАЗА

СЕНДА ИЖАРАДА ЯШАЙМАН, ВАТАН

ТОШКЕНТ – ОРЗУЛАР ВА ТАЛАБАЛАР ШАҲРИ

Ўқишга кирдинг, маҳалла-кўй ҳавасда, ота-онанг ғурурланди, тенгдошларинг ҳайратда. Ёзининг сўнги кунларида кўч-кўронни кўтариб, пойтахти азимга келасан. Кейин умр мундарижасини безайдиган лаҳзалар, бутун бир давр бошланади. Аввалдан айтиб қўяй, нима бўлганда ҳам бунда яшаб қолиш қий-инчилигию машаққатларига қарамай, Тошкентни севаман. Аммо, меҳрибон Жаҳонгир ака Ортиқхўжаев айтганларидек, уни янада мукаммал ва батартиб кўргим келаверади.

Тошкентга келган талаба уч қоидага амал қилиши шарт:

1. Бирданига бор-йўғидан айрилиб, чув чушмаслиги учун реал нархлар (ижара, такси) ҳақида ҳақиқатга яқинроқ тасаввури бўлиши керак. 2. Ҳамма йўллар Амир Темур хиёбони – скверга олиб боришини тушуни-ши, адашмаслиги керак. 3. Кўчада қолиш эҳтимолига қарши доим захира варианты бўлиши керак (ҳамқишлоқлар, савдогарлар, мардикорчиликка келган танишлар, парник-да ишлаб юрган жўралари ёки узо-о-оқ бир қариндошининг уй манзили).

Аччиқ, аммо вақт синовидан ўтган аламли ҳақиқатлар. Бу – неча йиллардан бери ўз-гаришсиз қолаётган, талабалар кашф этган кўча ҳақиқатлари!

Умуман, Тошкент наинки нон, балки орзу-лар ва талабалар шаҳри ҳамдир. Қарийб 90 та олий ўқув юртларида ўқийдиган талаба-лар, минглаб олимлар, илм бор шу азим кент-да. Тошкентни талабалар кўзи билан кўриш – ҳаётни микроскопдан кўриш, реаллик билан юзлашишдай гап.

ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ

Тошкентга келган талабанинг илк орзуси ётоқхонадан жой олиш, вассалом. Талабалар уйдан турар жойли бўлиш энг тинч ва осу-да ҳаёт, назорат, давлат қарамоғида яшаш, ота-онанг учун хотиржамлик, эртақмонанд муҳит демакдир.

Аммо, қанийди буларга эришиш осон бўлса?

Ҳамма замонларда ётоқхоналарга жойла-шишинг махсус талабалари бўлган: 1-курс та-лабаларига устуворлик, аввало, қизлар жой-лашиши керак, контрактни тўланмаганларга жой насия, дастлабки олти ойлик тўловларни бирданига амалга ошириш, кам таъминлан-ган оила аъзоси бўлганларга навбатсиз жой, асосийси, комендантда яхши таассурот қолди-риш, иложи бўлса, таниш-билиш бўлиш. Шу. Сўраб-суриштирдим, шу кунларда ҳам бу “ол-тин қоидалар” беистисно яшаб келмоқда экан.

Шундай қилиб, турар жой учун бўлаётган қирғинбарот курашлардан четга чиқдинг, ижарада тураман, наилож дединг. Тошкент-нинг жин кўчаларига хуш келибсан, ана энди ҳаёт бошланди.

ЖУНГЛИ ҚОНУНЛАРИ БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Ҳа, кўз ўнгимизда, шу кунларда, сизу бизнинг Тошкентимизда жунгли қонунларига кўра ишлайдиган манзил бор. Қизик, унинг расмий номи қандай аталар экан? Балки, “Тошкент иккиламчи уйлар олди-сотди қи-лиш вақтинчалик маркази”дир? Эҳтимол, “Тошкентга келган мусофирларни синовдан ўтказиш бош бошқармаси”дир? Қайдам. Аммо, талаба уни қисқа қилиб “Уй бозори”, дейди.

Уй бозори курғурни топиш ҳам машаққат.



*Газетда ўқидим ҳаётимиз зўр,
Радио бонг урди маош ошибди.
Телевизорни ёқсам ҳаммаси яхши
Ватан хизматингга юрак ошиқди.*

*Ё эрта тугилдим, ёки жуда кеч,
Сабаби негадур бахтим кулмайди.
Ижарага тўлаб ойлик ярмини
Яшашни яхши деб ёзиб бўлмайди.*

*Сенда мусофирман, сенда фуқаро,
Сенда руҳим асир, исканжада тан.
«Улан тўшагим» деб ёзаман аммо
Сенда ижарада яшайман ватан.*

*Ножуд деб атама, нонкўр демагин,
Шоирим десанг бас хурсандман мени.
Ҳар ой пулинг тўлаб, кўчишга тайёр
Ижара уйимдай севаман сени.*

Алишер БОЙМУРОДОВ



Ҳар бир авлоднинг ўз Тошкенти бўлгани каби, ўз уй бозори ҳам бор. Чунки, бу бозор ҳами-ша пана-пастқам, кўздан йироқ манзилларга бадарға қилиниши билан машхур.

Бу ерда на қонун бор ва на қоида. Фақат очкўз нигоҳлар, ҳарислик билан сени ям-ламай ютишга тайёр мешчанларни кўрасан, холос. Бу ерда нимадир нотўғри эканлигига ақлинг етади, лекин, сенда танлов имкони-яти, рад этиш варианты йўқ – ижара уйнинг нархи 200 доллар, маклерга 100 доллар. Ҳеч қандай қийинчиликсиз, ўзини уринтирмай, ўтирган жойида қўшимча қиймат яратиб, иқтисод қонуниятларининг “духига ўтиргиза-диган брат”ларим шу ерда.

Кейинчалик уларнинг қилиб юрган иши худди фарибгарлик, ўғрилик эканлигини тушу-насан, кулиб эслайсан, лекин барибир мана шу тўдага бир алданиш пешонада бор, илтимос ку-юнмангиз (метродаги ёзувлар эсга тушдими?).

ИЛТИМОС, СУЯНМАНГИЗ

Ҳа, метрода айнан шундай ёзилган. Лекин, талаба унга амал қилмайди. Эшиклар ёпилиб, вагон жойидан силжиши билан эшика суяниб ижара уйига йўл олади.

Алқисса, қишлоқнинг соддадил, очикқўн-гил боласи уй бозорига кириб, яна қайсидир олийгоҳга кирган ҳамқишлоғини кўриб қола-ди. Биргалашиб уй ахтарадилар, жой ахтара-дилар – ҳозирча кармон катта, ҳамма – орзу бандаси, емоқ-ичмоқ кўчада. Лекин юрак ғаш, бу кетишда дехқон отанг берган пул бир ҳафтада соб бўлади. Сўнгра, қачондир Тошканда ўқиган амакингдан ёки тоғангдан эшитган гаплар, хотирангга маҳкам ўрнаш-ган сўзлар олис-олислардан жананглайди: “Шаҳарнинг қоқ марказида Чорсу дегич бо-зор бор. Энг катта мардикор бозор шу ерда, пул қолмаса, шунга борардим...”

Сен ҳам ўшанга борасан, кўзим. Шанба ва яқшанбанинг баҳридан ўтасан – ама-кингга орзуманда бўлиб Чорсуни гуллата-сан, таниш 28-автобус йўлдан ўтиб қолса, терс ўгирилиб оласан. Кеңқурун метронинг “Тинчлик” бекатига судралиб етволасан-у, “Илтимос, суюнмангиз”га маъносиз қараб уйга қайтасан.

ЙИЛЛАРИНИНГ САЛОМИН ЙИЛЛАРГА ЭЛТИБ

Орадан йиллар ўтади. Ўқишни тамомлаб, Сафар бувага учрашасан, тутила-тутила дар-дингни айтасан: “Шўндоқ-шўндоқ, ишга кир-моқчиман, журналист бўлсам, дейман”. 0,25 ставка билан амаллаб ишга қабул қилинасан, тийинларингни харжлаб, йилларни ўтказиб, бир кун қарз-ҳавола қилиб уй-жой оласан, пешонанг ярқирайди. Ширин-ширин фарзанд-лар кўрасан, аммо негадир шу Тошкентни барибир яхши кўрасан. Севгинг сабабини изоҳламай яхши кўраверасан.

Ақлинг қаймоқлаб, оқ-корани ажратган пай-тингда, эски муаммо қаршингдан чиқади. Шоир айтганидек, сентябрь тонги отди, сени чексиз кувонч билан бахт уйғотди – қишлоқдан меҳ-монжонлар, талабажонлар армияси бир хоналик уйингни ишғол этади. Тошкентга талпинаётган қорақўзларнинг тақдирини билан қизиқасан, сўн-гра ўша, ё.., ё.., ё-ётоқхона муаммоси билан юзлашасан. Сўғур кунни. Ҳеч нима ўзгармаган. Дилгир пичирлайсан: “Сен ўзгармайсан, қо-нунларинг эҳромлардай мустаҳкам, Тошкент...”

ҲУЖЖАТ НИМА ДЕЙДИ?

Аммо, сен ўзига ишонган журналистсан. Қонунчиликдан бохабарсан. Мавзу ҳақида бонг урмоқчи бўласан матбуотда. Кошки, ни-мадир ўзгарар, деган умиддасан. Амалдаги қонунчиликка кўра, 2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Давлат бюджетини ҳисобидан қоплаб берилиши лозим. Зўр-ку!

АМАЛИЁТДА ЭСА...

Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизматидан бу фармондаги имкониятдан нечта талаба фой-даланганлиги тўғрисида маълумотни сўрайсан. Аммо, бундай маълумот солиқ органларида бўл-мас экан. Олий ва ўрта махсус таълим вазирли-гига ҳам шу савол билан юзланасан. Бирок, на

аниқ жавоб бериш тугул, на қўл телефонлари, на иш телефонини умуман кўтаришмади. Ай-тгандай, бу маълумотни билиш учун 10 кун давомида улар билан боғланишга уринасан. Лекин, фойдаси бўлмайди. Охир-оқибат ва-зирнинг қабулхонасига телефон қиласан ва мақсадингни вазир ёрдамчисига тушунтирасан ижикилаб. Вазир ёрдамчиси ахборот хизматиға йўналтирди, улар эса яна бедарак – “Илтимос, суюнмангиз”.

УНУТОЛМАСА, НИМА ҚИЛСИН?

Оқшом. Талаба-жиянбойлар, қишлоқдаги қўшнилар билан суҳбатлашасан. Ҳали шаҳар нуқси урмаган масъум нигоҳлар қаршисида ўзингни айбдор ҳис қиласан, юрак гижимлай-ди. Секин гапга соласан, улардан талабалик-нинг илк кунлари завқини сўрайсан.

Кейин улар портлайди, недир алам ва ажабланиш туйғуси билан кўрган-кечирган-ларини айтиб беради. Ваҳки, йилларда фарқ бор, бу ҳикояларда фарқ йўқ. Ўша – сени қийнаган, ёшлигингни – тиллога тенг вақтла-рингни ўғирган воқеалар. Маҳзун ностальгия.

Сўнгра дастурхон устида кимдир, масалан, сенга ҳавас қилиб, журналистикага ўқиш-га кирган ҳамқишлоқ талаба йигит норози оҳангда, секин, гўё ўзига-ўзи гапиргандек пичирлайди:

– Бугун юқори лавозимларда ўтирган ка-зо-казолар ҳам талаба бўлган. Юқори лаво-зимда ўтирган, исм-фамилиясини айтишга ҳам чўчийдиган аксарият раҳбарларнинг ўзи ҳам вилоятлардан келиб ўқиган. Биз билан суҳбатларда улар ҳам худди талабалардек, бошпана масаласида қийналаганини айтиша-ди. Ваҳоланки, ўша вақтларда ҳам муаммо бўлган экан, ярим асрдан ортиқ вақт ўтса ҳамки нима сабабдан бу муаммони ижобий ҳал этишда бирон жонбозлик кўрсатмаган? Бу ҳам етмагандек, бугун уларнинг ваколати ва имконияти бор бўла туриб, ҳафсала қилма-япти? Мен шунга тушуна олмаяпман.

**Тостемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

ФИКР



Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Халқаро шарҳловчилар кенгаши ташаббуси билан “Халқаро мавзудаги материалларни тайёрлаш маҳорати” мавзусида йиғилиш ўтказилди.

Унда шарҳловчилар кенгаши раиси Қобилбек Каримбеков, “Дунё бўйлаб” телеканали бош муҳаррири Гофур Жамолов, Жаҳон тиллари университетининг Медиа ва коммуникация факультети декани Амирқул Каримов, ушбу фа-культет кафедра мудири Олим Тошбоевнинг “Халқаро шарҳ ёзиш технологияси: Ўзбекистон босма нашрлари мисолида”, “Ахборотлашган жамиятда халқаро шарҳнинг зарурати ва аҳамияти” каби мавзулардаги маърузалари тингланди. Шу-нингдек, халқаро шарҳловчилар кенгаши аъзолари сонини ошириш, учрашувларни тизимли равишда олиб бориш, дои-

ШАРҲГА НЕ ҲОЖАТ?

мий ўтказиладиган манзилни белгилаш, шунингдек, назарий қўлланмаларни чоп этиш зарурати хусусида ҳам сўз борди. Тадбирдан чиқарканман, ўйладим. Халқаро шарҳловчи, умуман, шарҳловчи бугунги матбуотга нақадар керак!? Чи-накам шарҳга харидор, эҳтиёж борми?

Журналистика ихтисослашув даврини бошдан кечирмоқда. Жумладан, шарҳловчи ҳам бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик, илмий соҳаларга бўлинади. Ўзбекистонга дунёда рўй бераётган воқеликларни информацион шаклда, таржима журналистикаси даражасида тақдим этиш босқичи-дан ўтиб, ҳар бир мавзу бўйича шарҳ берадиган савиядаги журналистика керак. Жамиятда шунга эҳтиёж бор.

Мамлакатимиз нафақат Марказий Осиё минтақасида балки, халқаро майдонда ҳам обрў-эътиборга эга бўлиб бормоқда. Шундай муҳим паллада сиёсий шарҳловчиларни етиштириб чиқариш масаласи, афсуски, орқада қолмоқда. Глобаллашув-нинг ҳозирги шароитида ахборот хавфсизлиги энг муҳим ма-сала сифатида майдонга чиқди.

Чет эл манбаларидан ўқиб билаётганларимиз аслида бошқа-ча бўлиши мумкин. Демак, халқаро майдонда содир бўлаётган воқеаларни ўзбек ўқувчисига етказиш учун масаланинг туб моҳиятига, илдиизига етиб, давлатимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни таҳлил қилиб етказиб берадиган сиёсий шарҳловчилар керак.

Шарҳ – журналистиканинг айнан ўзи эмас. Шарҳ деганда, мен, масалан, филология, фалсафа, мантик, тарих, киберне-тика, география, шарқшунослик сингари фанлар чорраҳасида шакланган бир машғулотни, шарҳловчи деганда эса қасбу кори, мутахассислигидан қатъи назар қалами бор, ёзиш

иштиёқи жўш урган, фикр айтмоқчи бўлган соҳасини ипидан игнасигача биладиган истеъдодли инсонларни тушунаман. Яъни, касблар, фанлар, соҳалар чорраҳасида сара зиёли-лар бирлашади, фикр алмашади, замонга сўз айтади, давр муҳрини иншо этади. “Фан ва турмуш”, “Гулистон”, “Тафак-кур” журналлари мана шундай зиёлиларни бирлаштирган, шарҳловчилар устахонаси мақомига етган ижодий мактаб эди.

Журналистиканинг ўзи-чи, унда аҳвол қандай? Бугун ўз-бек журналистикасида шарҳловчи мақомига етган, шу жанр-да қалам тебратадиган ижодкорларни кўз олдимизга келти-риб, жамиятда, медиа муҳитда сифатли шарҳларга бўлган эҳтиёж фокусидан манзарага боқсак, бу борада шаклланган журналистика, ижодий мактаблар йўқолиб бораётганини тушунамиз.

Вазиятни ким ўнглаши керак? Ва бу қандай тартибда амалга ошиши лозим – менда бу саволарга аниқ жавоб йўқ. Лекин, англаганим шуки, ўзбек шарҳловчилик мактаби ёр-дамга муҳтож. Бу борада шарҳга ҳоҷат йўқ...

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,
ТДШУ талабаси.**

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси журналист
Неъмат МИРЗАҚУЛОВ нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.
«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси «Халқ сўзи» газетаси муҳбири
Сайджон МАХСУМОВ нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

INTERVYU

22-sentyabr, chorshanba, 2021-yil.
№38 (32680)



“ФАҚАТ БИР МАРТА МЕН УЧУН БОШҚА КИШИ ОВОЗ БЕРГАН...”

“САНГАМ”ДА РИММА АҲМЕДОВА, “ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ ЎЗ КАСБИНИ ЎЗГАРТИРАДИ”ДА ҲАМЗА УМАРОВ ЁКИ “КАВКАЗ АСИРАСИ”ДА ДИАС РАҲМАТОВ ВА БИЗ УШБУ РЎЙХАТНИ УЗОҚ ДАВОМ ЭТТИРИШИМИЗ МУМКИН. БИЗ ТОМОША ҚИЛИБ КАТТА БЎЛГАН ФИЛЬМ ҚАҲРАМОНЛАРИНИ ЎЗБЕК ОВОЗИДА ТАНИГАНМИЗ, КАШФ ЭТГАНМИЗ ВА БОШҚАЧА ТАСАВВУР ҚИЛА ОЛМАЙМИЗ. ДЕМАК, ЎЗИГА ХОС СЕҲРГА ЭГА БЎЛГАН ОВОЗЛАР ОДАМЛАРНИНГ ҚАЛБИГА КИРИБ БОРГАН. У КЎПЛАБ ХОРИЖ ФИЛЬМ ВА СЕРИАЛЛАРИДАГИ ҚАҲРАМОНЛАРНИ ЎЗ ОНА ТИЛИМИЗДА ТАНИШТИРАДИ. ҲАТТОКИ КУЛДИРАДИ, ЙИҒЛАТАДИ, КЕЗИ КЕЛГАНДА СЕВДИРАДИ ЁКИ НАФРАТЛАНТИРАДИ. МАҲОРАТ БИЛАН ПЕРСОНАЖЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ГАПИРТИРИШ САНЪАТИГА ДУБЛЯЖ, ДЕЙИЛАДИ. БУГУН КЎПЧИЛИК ЎТМИШ ФИЛЬМЛАРИНИ ЁДГА ОЛАДИ, САНЪАТ ДАРАЖАСИДАГИ АСАРЛАРНИ КУТАДИ. УШБУ ЙЎНАЛИШДА ИЖОД ҚИЛАЁТГАН ЕТУК АКТЁР, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ БЕҲЗОД МУҲАММАДКАРИМОВ БИЛАН ЎЗБЕК ДУБЛЯЖ САНЪАТИНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАШДИК.

— Ҳар бир актёрнинг нафақат ўз овози, балки ўз дунёси бўлади. Режиссёр шу жиҳатга эътибор қаратган ҳолда актёр танлашга ҳаракат қилади. Бугунги кун дубляжида бу қанчалик сезиляпти?

— Бу борадаги қарашлар, жараён деярли ўзгармаган. Тўғри, аввалги дубляж билан ҳозиргисини кўп солиштиришади. Аслида иккаласи икки хил олам. Бугунги кундагисини дубляж эмас, кадр ортидан таржима, ўзбек тилига ўгириш, деган бўлар эдим. Ҳозир ҳам аввалгидек синхрон дубляж бўлиб турибди, лекин жуда кам.

“Ўзбекфильм”да иш бошлаганман ва у ерда ҳар бир персонажга алоҳида актёр овоз берар эди. Кўплаб овозларни текшириб, солиштириб кўриш, репитиция жараёнлари узоқ вақт давом этган. Бу албатта, ўзига яраша катта маблаг талаб қилган. Экранда 70 персонаж бўлса, шунча актёр дубляжда қатнашган. Унга қадар ҳам таржима қилинарди, муҳаррирлар текшириб, таҳрир қиларди. Укладчик, деган касб бўларди. Улар лаблаштириб чиққан. Яъни таржимадаги ҳар битта сўзнинг бўғини оригиналининг ҳажмига мос бўлиши керак эди. Масалан, иккита бўғинли сўз бўлса, таржимада ҳам иккита бўғинли сўз қўлланилиши шарт бўлган. Агар учта бўлиб қолса, синонимига алмаштирилган. Жуда жиддий қаралган ва буларнинг ҳаммаси пул талаб қилган. Актёрлар ишни бошлагунга қадар қанчалаб мутахассис матн устида ишлаган.

Ҳозир эса 4-5 киши, керак бўлса 10-15 персонаж оламит, қарими ёшми, комик ёки фожиавий ролми, ҳаммасини тенг олиб кетишимизга тўғри келади. Шу сабабли бу иккисини солиштириб бўлмайди. Лекин шунда ҳам ҳар бир актёрнинг овоз тембри, характери ва талаффузидан келиб чиққан ҳолда образлар берилади. Бугунги кундаги яна бир ўзгариш, адабий тил метёёрларидан чекиниб, сўзлашувга яқин услублар қўлланиляпти. Албатта, бунини ҳар ким ўзича талқин қилади. Лекин мен замон талаби, деб айта оламан.

— Тўғриси, бугун дубляжга қизиқаёт-

ган ёшлар кўп. Уларнинг орасидан ном қозонгани ёки ёрқин бирор фильм билан ёдда қолаётгани камроқдек.

— Авваллари имкониятлар чегараланган эди. Ҳамма битта микрофонга гапирарди. Ҳозир бутунлай акси. Ҳар бир актёрга алоҳида микрофон берилади. Ёшлар ўз иқтидорини намойиш этиши учун ҳам имкон берилади. Масалан, олдинлари дубляжга янги келган одам учун бироз қийин бўлган. Чунки тажрибаги актёрлар узоқ монолог ёки диалогни ўқиб келарди. Орада битта гап ёки бирор сўз айтиб қўйилиши керак бўларди. Шунда янги келган актёрлар ўхшата олмаса ёки адашса, асаббўзарликлар бошланарди. Сабаби, у пайтларда келган жойдан давом эттиришнинг имкони йўқ. Ҳаммасини қайтадан ёзишга тўғри келган.

Бугун буларнинг ҳеч бири йўқ. Техника имконияти катта. Ёшлар орасидан қизиқувчилар, ўз овози ва характериға эгалари кўп. Фақат юқорида айтганимдек бир одам 5-10 кишига овоз беришига тўғри келяпти. Кейин жуда кам вақт берилади. Бу жараёнда ҳаммадан ажралиб чиқиш қийин. Репитиция қилиб олиш, персонаж билан танишиб чиқиш, жанрни ўрганиш учун вақт берилмаяпти. Аввал битта фильм бир ойда чиқарилган бўлса, бугун у неча дақиқа бўлса, шунча вақтда тайёр бўлиши керак, деган талаблар қўйилляпти-да. Тезкорлик эса бевосита сифатга ҳам таъсир қилиши табиий.

Мен ҳам бошқалар каби олдинги дубляжлар бўлишини хоҳлардим. Лекин ўша шароит ҳам, ўша пул ҳам йўқ. Ҳамма нарсаси шунга бориб тақалади. Бъэзида “Нима энди ҳамма нарсаси пулга тақалганми, ватанпарварлик-чи?” дейишади. Лекин сиз қандай қилиб велосипеднинг пулига “Мерседес” ясаб бера оласиз?

Бъэзида шедевр фильмларни синхрон дубляж қилляпмиз. Ўзбек фильмларини овозлаштириш жараёни, ўша, аввал қандай бўлса, шу шартлар асосида олиб бориляпти. Яъни, йиғласа, йиғлайман. Кулса, куламан. Йўталса, йўталаман. Бу энди синхрон овозлаштириш ҳисобланади. Хориж фильмларида эса бу сезилмаяпти. Шу сабабли ёшлар ярқ этиб кўзга ташланмаяпти.

— Дубляж санъати ва дубляж соҳаси — бу икки сиканца й бири

сизга маъқул? Яъни ҳозирги кунда қайси бири билан таърифласак тўғрироқ бўлади?

— Бугун санъат даражасидаги асарлар жуда кам. Чет тилидаги кино маҳсулотни ўзбек тилига ўгириш жараёни кетяпти, холос. Лекин шунда ҳам оддий бир тил билган ўқитувчи таржима қилмайди уни ҳам. Ўз мутахассислари бор. Ёши, характерини очиб бериш керак. Фақат шартлилик сабабли йиғласа, у қадар йиғлаб юбормаймиз.

Шу жиҳатдан бугунги дубляжни ижод маҳсули, касб, десак тўғри бўлади. Санъат, дейиш нотўғри. Чунки санъат даражасида қилинган ишга бу таъриф берилиши керак. Қўшиқчиларни санъаткор, дейишади. Санъат соҳаси, дейишади. Аслида санъат соҳаси бўлмайди. Фақат санъат даражасидаги ҳар қандай ишга санъат, деган таъриф берилиши керак. У хоҳ қўшиқчи, хоҳ актёр, дурадгор ёки қурувчи ҳам бўлиши мумкин. Санъат у даража — соҳа эмас. Демак, биз ижод қилляпмиз.

Шу ўринда яна бир гап. Мен учун аввалги дубляж осон бўлган. Чунки бугун бир ўзим бир қанча персонажга овоз беришимга, уларнинг характери, кайфиятини очишимга тўғри келяпти. Бу эса жуда катта куч, ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнат талаб этади. Аввалгидан фарқли равишда, бугун хоҳлаган одам келиб овоз бериши қийин. Чунки унинг машаққатиға чидашга ҳамма-нинг ҳам сабр-тоқати етмайди. Шунинг учун унча-мунча актёр таклиф қилинса ҳам дубляжга бормаяпти. Сабаб эса жараён мурракблашган.

— Бугун мактаб кўрмаганлар, яъни санъат соҳасида ўқимаганлар ҳам дубляжда иштирок этмоқда. Бу қанчалар тўғри?

— Агар одамда қизиқиш, иқтидор бўлса, ҳар қандай ишни эплаб кетади ва ҳаттоки устасига айлана олади. Бугунги кун ёшлари эса жуда ҳам қизиқувчан. Фақат ҳаммаси ҳам ишни охирига етказавермайди. Мақсадидан қайтмайдиғанлар эса устозларнинг кўмагида бир неча йиллар давомида амалиётда ўрганиб, кейин дубляжда қатнашмоқда. Унгача майда-майда ишларни қилиб туради. Бунинг учун ҳам 3-4 йиллаб вақт сарфланади. Бугун каттароқ персонажларга овоз бераётганлар йиллаб тайёрланяпти, жараёнларда пишяпти. Шу жиҳатдан ёшларга ҳавас қиламан. Мақсади аниқ бўлса, унга эришишнинг имкони ва йўллари кўп. Менимча, овози бўлса, эшитиш ва характери очиб бера олиш қобилияти бўлса, уларга ёрдам қилиш керак. Энг муҳими, бугун ёшлар бизчалик узоқ кутмаяпти. Улар мақсадига тезроқ эришяпти.

— Дубляж ва Беҳзод Муҳаммадкаримов — буларнинг орасидаги биз билмаган боғлиқлик ёки ҳеч кимга айтмаган сирларингиз борми? Мумкин бўлса, шулар ҳақида гапирсангиз...

— Бу соҳага кириб келишдан олдин ўзим севган актёрлар бўлган. Улар ҳам кино, ҳам театр, ҳам дубляжда ўз ўрнига эга эди. Уларга ҳавас қилиб, уларнинг йўлидан кетиш истаги билан шу йўналишни танладим. Уччасини параллел равишда олиб кетиш учун йиллар давомида изландим, тайёрландим, ўз устимда ишладим. Талабалик давримданок

бу мақсадимга эришиш учун астойдил ҳаракат қилганман.

Дастлаб, театрда ишлашни бошладим. У пайтда кинога қақиришмаганди. Ўша пайтда фотосинов ўтказиларди ва биз шу жараёндан у ёғига ўта олмасдик. Бизнинг ёшимиздаги роллар кам, иккинчидан эса қаҳрамоннинг стретипи — шаҳло кўз, сочлари жингалак, басавлат бўлган. Ўшанда, агар шу жараёндан ўтиб олсам, уларга кўрсатиб қўяман роль ижро этишни, деб аҳд қилганман.

Бир йили “Оқ бино оқшомлари” фильми олинди. Бу кинодаги биринчи ролим эди. Мазкур фильм ҳаётий воқеа асосида бўлган. Шунинг учун режиссёримиз раҳматли Ҳотам Файзиев жараёни бадий тўқима, кино сифатида эмас, воқеа содир бўлаётгандек етказишни ният қилади. Шунда нотаниш, янги чехраларга эҳтиёж сезилади.

Ўшанда устозим Мунаввара Абдуллаева ҳам биринчи марта кинода йўнаган. Фотиҳ Жалолов, Лола Эргашева ва мен севги учбурчагини ижро этганмиз. Ана шунда кинодаги типаж масаласи, қаҳрамон чиройли бўлиши керак, деган стретипларга аҳамият берилмаган ва мана шу талаб янги чехраларни кашф қилишга сабаб бўлган.

Дубляж режиссёри сўраганда, ижро этган ролимга фақат ўзим овоз беришим керак, деб шарт қўйганман. Шу кунгача фақат бир марта жуда ҳам тигиз вазият бўлгани учун бошқа одам овоз берган. Бошқа ҳамма персонажларим ўз овозимда саҳнага, эфирга чиққан.

Характеримдаги яна бир жиҳат, менга ёқмаган бирор бир ролни ижро этмаганман. Мен танлаган ролни беришмаса, умуман ўша фильм ёки спектаклдан воз кечганман. Режиссёр билан келгуси муносабатлар ёки бошқа ҳеч нарсаси ҳақида ўйлаб ўтирмаганман. Чунки одам ўзини топа билган ролни ижро этса, у жонли қикади, одамларга яхши етиб боради.

— Аини пайтда дубляж сизга хоҳиши ёки мажбурият?

— Аввало, менинг севган ишим. Кино, театр ва дубляж — мен учун ягона актёрлик. Фақат улар ижро этиладиган майдонлар бошқа. Яхши кўрганми учун актёрлиқни танлаганман. Кейинчалик касбим, тирикчилик манбаига айланган ҳаётимнинг ажралмас қисми.

Тўғри, бошқа иш ҳам қилишим мумкин. Масалан, Америкада борганимда у ерда нималар қилмадим, дейсиз. Лекин “бу меники эмас”, дейди-ку. Қалбимга яқинмас. Ўзимни топа олмаганман. Шунинг учун ҳамма ўзи ёқтирган иш билан шугўлланиши керак. Ана шунда қийинчилиги ҳам ширин татийди, кам ёки кўплиги билинмайди.

— Ҳар бир инсонда орзу ва армонлари бўлади. Бу борада нима дея оласиз?

— Бу соҳага кириб келишимга ота-онам сабабчи бўлган. Уларнинг орзуларини амалга оширишга ҳаракат қилганман ҳамиша. Фақатгина онам ютуқларимни, катта саҳналардаги ижроларимни, экранлардаги ролларимни кўрмадилар. Уларга ўз орзулари мен орқали амалга ошаётганини кўриш насиб этмади. Эрта оламдан ўтди. Шу нарсаси менга армон бўлиб қолади ҳамиша.

Орзулар ҳақида кўп гапиришим мумкин. Улардан бири Амир Темурнинг каттароқ ёшидаги ҳаёти акс этган фильмда уни гавдалантиришни истайман.

“Ўзбекистон овози” мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

O‘zbekiston ovozi

МУАССИС:



O‘ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZII KENGASHI

TAHRIR HAY’ATI:

Ulug’bek INOYATOV
Ulug’bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To‘lqin TO‘RAXONOV

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Bunyodkor ko’chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 941. 20270 nusxada bosildi.
Nashr ko’rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘za yakuni —
Topshirilgan vaqti — 22:10.



Газетанинг электрон саҳифасига
ўтиш учун QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda